



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 **21** yil « **3** » **aprel**

№ **177**

Toshkent sh.

2021–2023 йилларда Тошкент шаҳрининг Янгиҳаёт туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳри таркибида Янгиҳаёт туманини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 11 ноябрдаги ПҚ–4888-сон қарори ижросини таъминлаш, шу жумладан, Тошкент шаҳри Янгиҳаёт туманида ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали аҳолининг бандлигини таъминлаш, тумандаги муҳандислик-коммуникация, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни янада яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи **2021–2023 йилларда Тошкент шаҳрининг Янгиҳаёт туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари дастури** (кейинги ўринларда – Дастур):

2021–2023 йилларда Тошкент шаҳрининг Янгиҳаёт туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг мақсадли параметрлари ва молиялаштириш манбалари 1-иловага мувофиқ;

Тошкент шаҳри Янгиҳаёт туманида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларини ва замонавий уй-жойлар қуришни ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Тошкент шаҳри Янгиҳаёт туманида йўл-транспорт инфратузилмаси тизимини ва электр энергияси, табиий газ ҳамда ичимлик сув тармоқларини яхшилаш чора-тадбирлари 3-иловага мувофиқ;

Тошкент шаҳри Янгиҳаёт туманида ижтимоий соҳа объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мукамал таъмирлаш чора-тадбирлари 4-иловага мувофиқ;

Тошкент шаҳри Янгиҳаёт туманида кўп квартирали уйларнинг атрофларини ободонлаштириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Куйидагилар Дастурнинг асосий устувор йўналишлари этиб белгилансин:

Тошкент шаҳри Янгиҳаёт туманини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳолининг, хусусан хотин-қизлар, ёшлар ва кам таъминланган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш орқали уларнинг даромадлари ва турмуш даражасини ошириш;

кичик ва оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш бўйича қўшимча инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш орқали солиқ базасини кенгайтириш;

муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолининг тоза ичимлик сув, табиий газ, электр ва иссиқлик энергияси билан таъминланганлиги даражасини ошириш;

аҳоли яшаш жойларининг меъморий қиёфасини тубдан ўзгартириш ҳамда ободонлаштириш ишларини жадаллаштириш;

кўчаларни ёритиш, кўп квартирали уйларни таъмирлаш ва атрофларини ободонлаштириш чораларини кўриш.

3. Дастур параметрлари бажарилишини таъминлашда давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бўйича республика ишчи гуруҳи таркиби (кейинги ўринларда – Республика ишчи гуруҳи) б-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика ишчи гуруҳи (А.Раматов):

тегишли давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг белгиланган муддатларда амалга оширилишини таҳлил қилиб борсин ва мувофиқлаштирсин;

Дастур доирасида белгиланган лойиҳаларнинг амалга оширилиши мониторингини олиб борсин, лойиҳаларнинг ўз муддатида ва сифатли бажарилишига тўсқинлик қилувчи муаммоларни бартараф этиш юзасидан тезкор ва амалий чоралар кўрсин;

зарурат бўлганда, тайёрланган ва белгиланган тартибда келишилган лойиҳа ҳужжатлари мавжуд бўлган тақдирда, Дастурга ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, “Худудгазтаъминот”

АЖ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзсувтаъминот” АЖ аҳолини электр энергияси, табиий газ, ичимлик сув, канализация ва иссиқлик таъминоти тизими билан таъминлаш бўйича муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек, Дастур доирасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари асосида ишлаб чиқариш корхоналари муҳандислик-коммуникация тармоқларига белгиланган тартиб ва муддатларда уланишини ҳамда талаб этиладиган табиий газ ва электр энергияси етказиб берилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартиш вазирлиги Молия вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда масъул вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда мазкур қарорга иловаларга мувофиқ марказлаштириладиган маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар Ўзбекистон Республикасининг 2021 йилги Инвестиция дастури доирасида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилишини ҳамда 2021–2023 йиллар давомида Дастурга киритилган лойиҳалар кўрсаткичлари аниқлаштирилиб, келгуси йиллар учун Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурлари параметрларини шакллантиришда инобатга олинишини таъминласин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда синов тариқасида Янгиҳаёт тумани ҳокимлиги бошқарув аппарати ходимлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) асосида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари фаолиятини баҳолаб бориш амалиётини йўлга қўйсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Янгиҳаёт тумани ҳокимликлари тегишли вазирликлар, идоралар ва лойиҳа ташаббускорлари билан биргаликда бир ой муддатда Дастурга киритилган лойиҳаларни амалга оширишнинг барча босқичлари, шу жумладан, лойиҳаларни фойдаланишга топширишнинг аниқ муддатлари кўрсатилган тармоқ жадваллари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Вазирлар Маҳкамасининг “Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари аппаратлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида” 1997 йил 30 сентябрдаги 459-сон қарорига мувофиқ Янгиҳаёт тумани ҳокимлиги меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига кўра “1 гуруҳ” тоифасига киради.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳар чорак якуни бўйича Дастурдаги тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан лойиҳа ташаббускорлари фаолиятининг натижадорлиги тегишли халқ депутатлари Кенгашлари йиғилишларида муҳокама қилинишини ва амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борилишини таъминласин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими Ж.А. Артикходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

**2021–2023 йилларда Тошкент шаҳрининг Янгихаёт туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг
МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Лойиха сони	Ўзлаштирилаётган маблағлар (млн сўм)	Молиялаштириш манбалари									Яратилаётган иш ўринлари сони
				Республика бюджети (млн сўм)	Маҳаллий бюджет (млн сўм)	Мақсадли жамғармалар (млн сўм)	Тармоқ корхоналари маблағлари (млн сўм)	Давлат-хусусий шериклик (млн сўм)	Ташаббускорлар маблағлари (млн сўм)	Тижорат банклари кредитлари (млн сўм)	Хорижий кредитлар (минг долл)	Хорижий инвестициялар (минг долл)	
	Жами:	296	5 153 150,4	315 992,0	507 497,3	73 500,0	214 047,1	36 700,0	2 841 554,0	48 548,0	14 910,0	104 800,2	15 647
I.	Саноат, хизмат кўрсатиш ва замонавий уй-жой қурилиши соҳаларини ривожлантириш бўйича	56	3 956 204,1						2 807 254,0	48 548,0		104 800,2	15 647
1	Саноатни ривожлантириш	38	2 595 454,1						1 588 254,0	48 548,0		91 300,2	15 217
2	Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш	11	165 750,0						129 000,0			3 500,0	315
3	Замонавий уй-жойлар қуришни ривожлантириш	7	1 195 000,0						1 090 000,0			10 000,0	115
II.	Муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш	137	554 534,3	74 135,0	294 042,3		171 447,1				14 910,0		
1	Йўл-транспорт инфратузилмаси ва аҳолига автотранспорт хизматлари кўрсатиш тизимини яхшилаш	36	184 805,9		184 805,9								
2	Электр энергияси таъминоти объектларини янгилаш ва реконструкция қилиш	33	49 174,0				49 174,0						
3	Ичимлик суви ва оқава таъминотини яхшилаш	39	136 575,2	74 135,0	62 440,2								
4	Иссиклик тизимларини яхшилаш	6	32 501,6				32 501,6						
5	Табиий газ таъминотини яхшилаш	15	84 440,0				84 440,0						
6	Чикинди йиғиш хизматлари ҳолатини яхшилаш	5	20 241,5				5 331,5				14 910,0		

**Тошкент шаҳри Янгиҳаёт туманида саноат, хизмат кўрсатиш ва замонавий уй-жойлар қуриш соҳаларини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ**

Т/р	Лойиҳа ташаббускори	Лойиҳанинг номи	Лойиҳа қиймати	Шу жумладан:			Фойдаланишга топшириш муддати	Яратиладиган янги иш ўринлари	
			жами (млн сўм)	ўз маблағи (млн сўм)	банк кредити (млн сўм)	хорижий инвестиция (минг долл)			
56	Туман бўйича жами:		3 956 204,1	2 807 254,0	48 548,0	104 800,2	х	15 647	
I. Саноатни ривожлантириш йўналишида:			2 595 454,1	1 588 254,0	48 548,0	91 300,2	х	15 217	
Қурилиш материаллари саноати			53 750,0	31 700,0		2 100,0	х	132	
1	1	“Asia brother” МЧЖ	Гипс маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	21 000,0			2 000,0	01.10.2021	50
2	2	“Universal savdo maxsus ekspres” МЧЖ	Металл маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	7 750,0	6 700,0		100,0	01.06.2021	32
3	3	“Sergeli qurilish materiallar va konstruksiyalar zavodi” МЧЖ	Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	2 000,0	2 000,0			31.08.2021	20
4	4	“Trans tex butlash” МЧЖ	Асфальт ишлаб чиқаришни кенгайтириш	11 000,0	11 000,0			01.12.2022	5
5	5	“Shedevr servis” МЧЖ	Йўлақлар учун бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	12 000,0	12 000,0			01.06.2021	25
Мебель ва қоғоз саноати			42 100,0	40 000,0		200,0	х	200	
6	1	“Dilight” МЧЖ	Мебель фурнитураси ва декоратив ёритиш мосламалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	5 600,0	3 500,0		200,0	01.07.2021	150
7	2	“Metal wood enjineriing” МЧЖ	Мебель маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	3 500,0	3 500,0			15.07.2021	30
8	3	“Vivat mebel” МЧЖ	Мебель ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	3 000,0	3 000			01.12.2021	10
9	4	“Ravshan Yodik production” МЧЖ	Картон ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	30 000,0	30 000			31.12.2021	10

Т/р	Лойиҳа ташаббускори	Лойиҳанинг номи	Лойиҳа қиймати	Шу жумладан:			Фойдаланишга топириш муддати	Яратиладиган янги иш ўринлари	
			жами (млн сўм)	ўз маблағи (млн сўм)	банк кредити (млн сўм)	хорижий инвестиция (минг долл)			
Текстиль ва тўқимачилик саноати			485 180,6	371 516,0		10 825,2	x	390	
10	1	“Laura Peri fashion” МЧЖ	Тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	51 250,0	4 000,0		4 500,0	01.11.2021	250
11	2	“Nature cotton” МЧЖ	Ип ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	147 016,0	92 416		5 200	01.12.2021	10
12	3	“Tukimachi Abdulloh” МЧЖ	Текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш	209 000,0	209 000			31.12.2022	330
13	4	“Dara elit” МЧЖ	Текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	12 000,0	12 000			01.12.2021	10
14	5	“Nihol art tekstil” МЧЖ	Текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш	61 414,6	49 600,0		1 125,2	01.06.2021	30
15	6	“Al Qo'ods international” ОК	Тўқувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	4 500,0	4 500			01.12.2021	10
Кимё ва нефть саноати			187 100,0	80 400,0	1 700,0	10 000,0	x	390	
16	1	“Solid Advance Group” МЧЖ	Барча турдаги қадоклаш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	94 500,0			9 000,0	01.12.2022	120
17	2	“Vektan - trading” МЧЖ	Кимёвий ўғитлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	52 000,0	52 000			30.06.2021	20
18	3	“Uzpolitex holding” МЧЖ	Полипропилен қоплар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	35 500,0	25 000,0		1 000,0	01.12.2021	100
19	4	“Navoiy yog' - moy qandolat” МЧЖ	Керамик бўёқлар технологиясини жорий этиш лойиҳасини амалга ошириш	1 700,0	1 700,0			01.06.2021	50
20	5	“Saray-plastic” МЧЖ	Полимер маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	3 400,0	1 700	1 700		01.12.2022	100
Озиқ-овқат саноати			111 930,0	72 030,0		3 800,0	x	365	
21	1	“Smile lux” МЧЖ	Салқин ичимликлар ва маъданли сувлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	33 480,0	11 430,0		2 100,0	01.10.2021	210
22	2	“Orient construction” МЧЖ	Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	61 450,0	43 600,0		1 700,0	01.12.2022	100

Т/р	Лойиҳа ташаббускори	Лойиҳанинг номи	Лойиҳа қиймати	Шу жумладан:			Фойдаланишга топшириш муддати	Яратиладиган янги иш ўринлари	
			жами (млн сўм)	ўз маблағи (млн сўм)	банк кредити (млн сўм)	хорижий инвестиция (минг долл)			
23	3	“Perfect quality business” ОК	Сут маҳсулотларини қайта ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	8 000,0	8 000,0			01.08.2021	20
24	4	“Magona grand” МЧЖ	Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	2 000,0	2 000,0			01.06.2021	25
25	5	“Sladus produce” МЧЖ	Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	7 000,0	7 000			01.12.2021	10
Фармацевтика sanoati				237 167,5	118 780,0		11 275,0	x	130
26	1	“Pulp and paper” МЧЖ	Гигиеник нам салфеткалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	68 740,0	37 240		3 000	01.06.2021	10
27	2	“Dentafill plyus” МЧЖ	Тиббиёт буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	58 387,5	3 000,0		5 275,0	31.06.2021	70
28	3	“Dentafill plyus” МЧЖ	Дори маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	40 300,0	40 300,0			31.07.2021	40
29	4	“Ziyo nur farm” ХК	Фармацевтика воситалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	69 740,0	38 240		3 000	31.12.2021	10
Чарм-пойабзал sanoati				27 250,0	1 000,0		2 500,0	x	60
30	1	“Havar interprayziz” МЧЖ	Чарм ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	26 250,0			2 500,0	31.12.2021	30
31	2	“Met-Fur-servis” МЧЖ	Чарм-поябзал маҳсулотлари ҳамда велосипед эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	1 000,0	1 000,0			01.06.2021	30
Электротехника sanoati				101 816,0	28 316,0		7 000,0	x	120
32	1	“Eastern Construction group” МЧЖ	Минорали кранларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш	98 700,0	25 200,0		7 000,0	01.12.2021	100
33	2	“Aminovs company” МЧЖ	Маиший техникалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	2 000,0	2 000			01.12.2021	10
34	3	“Artikul aziya kabel” МЧЖ	Кабель маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш	1 116,0	1 116			31.12.2021	10

Т/р	Лойиҳа ташаббускори	Лойиҳанинг номи	Лойиҳа қиймати	Шу жумладан:			Фойдаланишга топшириш муддати	Яратиладиган янги иш ўринлари	
			жами (млн сўм)	ўз маблағи (млн сўм)	банк кредити (млн сўм)	хорижий инвестиция (минг долл)			
Машинасозлик ва эҳтиёт қисмлар саноати			31 850,0	5 600,0		2 500,0	x	180	
35	1	“Sayat qurilish” МЧЖ	Металл конструкциялар, автомобилларга ташқи қопламалар ва ойнани қайта ишлашни йўлга қўйиш	31 850,0	5 600,0		2 500,0	01.06.2021	180
Металлургия саноати			77 760,0	30 912,0	46 848,0		x	50	
36	1	“O'zbekiston rangli metal parchalari chiqindilarini tayyorlash va qayta ishlash zavodi” АЖ	Рангли металл парчаларини қайта ишлашни йўлга қўйиш	77 760,0	30 912	46 848		31.12.2021	50
Бошқа саноат тармоқлари			1 239 550,0	808 000,0		41 100,0	x	13 200	
37	1	“Royal plast industri” МЧЖ	Турли хилдаги пластик ва лагунь маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	19 550,0	8 000,0		1 100,0	01.12.2021	200
38	2	“Mimar group” МЧЖ	“Tashkent Index” савдо-саноат зонаси ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш	1 220 000,0	800 000		40 000	01.08.2022	13000
II. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш:			165 750,0	129 000,0		3 500,0	x	315	
Савдо хизматлари			29 000,0	29 000,0			x	50	
39	1	“Viviron invest” МЧЖ	Бизнес марказ қуриш лойиҳасини амалга ошириш	16 000,0	16 000			31.12.2022	10
40	2	“Morgan bravo lyuks” МЧЖ	Маиший хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш	3 000,0	3 000			30.09.2021	10
41	3	“Polaris Technologies” МЧЖ	Савдо ва ишлаб чиқариш биноларини қуриш ҳамда кадоклаш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш	10 000,0	10 000			01.12.2021	30
Таълим хизматлари			6 000,0	6 000,0			x	20	
42	1	“Monte kids” МЧЖ	Болалар боғчасини ташкил этиш	6 000,0	6 000,0			01.06.2021	20
Транспорт хизматлари			54 250,0	28 000,0		2 500,0	x	100	
43	1	“Logotrans invest group” МЧЖ	Логистика марказини қуриш	29 250,0	3000		2500	25.07.2021	50
44	2	“Yangi zamon bino” МЧЖ	Минорали кранларни сақлаш ва таъмирлаш қувватларини ишга тушириш	25 000,0	25000			01.12.2021	50

Т/р	Лойиха ташаббускори	Лойиханинг номи	Лойиха қиймати	Шу жумладан:			Фойдаланишга топириш муддати	Яратиладиган янги иш ўринлари
			жами (млн сўм)	ўз маблағи (млн сўм)	банк кредити (млн сўм)	хорижий инвестиция (минг долл)		
Маиший хизмат кўрсатиш			46 500,0	36 000,0		1 000,0	х	110
45	1	Фуқаро Қодиров Одилшоҳ Бобурович	6 000,0	6 000			01.06.2021	10
46	2	“Fortuna best product” МЧЖ	40 500,0	30 000		1 000	31.12.2022	100
Бошқа хизматлар			30 000,0	30 000,0			х	35
47	1	“Trest 12” АЖ	10 000,0	10 000			01.12.2021	10
48	2	Фуқаро Арипова Дилноза Жалолиддин қизи	15 000,0	15 000			01.12.2021	15
49	3	Фуқаро Пўлатова Муборак	5 000,0	5 000			01.06.2021	10
III. Замонавий уй-жойлар қуришни ривожлантириш			1 195 000,0	1 090 000,0		10 000,0	х	115
50	1	“Megapolis building” МЧЖ	200 000,0	200 000,0			01.06.2021	10
51	2	“Great stone” МЧЖ	420 000,0	420 000,0			01.12.2023	30
52	3	“Datun-tex” МЧЖ	145 000,0	40 000,0		10 000,0	01.06.2021	10
53	4	“Eco house group” МЧЖ	70 000,0	70 000,0			31.07.2021	15
54	5	“Elite house company” МЧЖ	200 000,0	200 000			31.12.2022	10
55	6	“Land house” МЧЖ	105 000,0	105 000			01.06.2022	20
56	7	“Sergili kapital” МЧЖ	55 000,0	55 000			01.06.2022	20

**Тошкент шаҳри Янгиҳаёт туманида йўл-транспорт инфратузилмаси тизимини ва электр энергияси, табиий газ ҳамда
ичимлик сув тармоқларини яхшилаш
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ**

Т/р	Чора-тадбир номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Қиймати (млн сўм)	Амалга ошириш муддати			Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
					2021 йил	2022 йил	2023 йил		
137	Туман бўйича жами:	х	х	554 534,3	169 311,7	732 967,5	194 548,8	х	х
I. Йўл-транспорт инфратузилмаси ва аҳолига автотранспорт хизматлари кўрсатиш тизимини яхшилаш									
36	Жами:	х	х	184 805,9	76 683,6	43 182,3	64 940,0	х	х
15	Маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларини таъмирлаш:	х	24,0	50 295,0	50 295,0			х	х
1	Софдил кўчасининг 1,3 км қисмини жорий таъмирлаш	км	1,3	2 730,0	2 730,0			Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
2	Чортоқ кўчасининг 2,8 км қисмини жорий таъмирлаш	км	2,8	5 880,0	5 880,0			Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
3	Боғичинор кўчасининг 1,4 км қисмини жорий таъмирлаш	км	1,4	2 940,0	2 940,0			Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
4	Полвонёр кўчасининг 1,4 км қисмини жорий таъмирлаш	км	1,4	2 940,0	2 940,0			Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
5	Чинор кўчасининг 1,7 км қисмини жорий таъмирлаш	км	1,7	3 570,0	3 570,0			Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
6	Давлатобод кўчасининг 1,3 км қисмини жорий таъмирлаш	км	1,3	2 730,0	2 730,0			Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги

Т/р	Чора-тадбир номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Қиймати (млн сўм)	Амалга ошириш муддати			Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
					2021 йил	2022 йил	2023 йил		
7	Райхон кўчасининг 1,8 км қисмини жорий таъмирлаш	км	1,8	3 780,0	3 780,0			Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
8	Наврўз кўчасининг 2,7 км қисмини жорий таъмирлаш	км	2,7	5 670,0	5 670,0			Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
9	Мардлик кўчасининг 900 метр қисмини жорий таъмирлаш	км	0,9	1 785,0	1 785,0			Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
10	Марғиб кўчасининг 1,4 км қисмини жорий таъмирлаш	км	1,4	2 940,0	2 940,0			Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
11	Завод кучаси кўчасининг 1,3 км қисмини жорий таъмирлаш	км	1,3	2 730,0	2 730,0			Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
12	Мардлик 1-тор кўчасининг 1,4 км қисмини жорий таъмирлаш	км	1,4	2 940,0	2 940,0			Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
13	Мардлик 2-тор кўчасининг 1,4 км қисмини жорий таъмирлаш	км	1,4	2 940,0	2 940,0			Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
14	Дўстлик кўчасининг 1,8 км қисмини жорий таъмирлаш	км	1,8	3 780,0	3 780,0			Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
15	Кўргонтепа кўчасининг 1,4 км қисмини жорий таъмирлаш	км	1,4	2 940,0	2 940,0			Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
21	Маҳаллалар ички кўчаларини жорий таъмирлаш:	кв.м.	846 275	134 511	26 389	43 182	64 940	х	х
1	“Олчазор” маҳалласи ички кўчаларини жорий таъмирлаш	кв.м.	102 860	14 400	14 400			Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги

Т/р	Чора-тадбир номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Қиймати (млн сўм)	Амалга ошириш муддати			Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
					2021 йил	2022 йил	2023 йил		
2	“Чоштепа” маҳалласи ички кўчаларини жорий таъмирлаш	кв.м.	73 200	10 248,0	10 248,0			Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
3	“Ал-Фарғоний” маҳалласи ички кўчаларини жорий таъмирлаш	кв.м.	12 430	1 740,2	1 740,2			Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
4	“Йўлдош” маҳалласи ички кўчаларини жорий таъмирлаш	кв.м.	22 785	3 189,9		3 189,9		Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
5	“Файзли” маҳалласи ички кўчаларини жорий таъмирлаш	кв.м.	21 260	2 976,4		2 976,4		Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
6	“Дўстлик” маҳалласи ички кўчаларини жорий таъмирлаш	кв.м.	13 100	1 834,0		1 834,0		Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
7	“Бинокор” маҳалласи ички кўчаларини жорий таъмирлаш	кв.м.	33 600	4 704,0		4 704,0		Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
8	“Янги дархон” маҳалласи ички кўчаларини жорий таъмирлаш	кв.м.	22 400	4 816,0		4 816,0		Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
9	“Ибрат” маҳалласи ички кўчаларини жорий таъмирлаш	кв.м.	27 600	3 864,0		3 864,0		Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
10	“Хумо” маҳалласи ички кўчаларини жорий таъмирлаш	кв.м.	17 600	2 464,0		2 464,0		Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
11	“Ёрқинҳаёт” маҳалласи ички кўчаларини жорий таъмирлаш	кв.м.	13 650	1 911		1 911		Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
12	“Чароғон” маҳалласи ички кўчаларини жорий таъмирлаш	кв.м.	8 650	1 211		1 211		Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
13	“Навқирон” маҳалласи ички кўчаларини жорий таъмирлаш	кв.м.	4 400	616		616		Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги

Т/р	Чора-тадбир номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Қиймати (млн сўм)	Амалга ошириш муддати			Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
					2021 йил	2022 йил	2023 йил		
14	“Хушнуд” маҳалласи ички кўчаларини жорий таъмирлаш	кв.м.	10 500	1 470		1 470		Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
15	“Тошкент” маҳалласи ички кўчаларини жорий таъмирлаш	кв.м.	39 000	5 460		5 460		Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
16	“Чортоқ” маҳалласи ички кўчаларини жорий таъмирлаш	кв.м.	61 900	8 666		8 666		Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
17	“Гулзор” маҳалласи ички кўчаларини жорий таъмирлаш	кв.м.	126 200	17 668			17 668	Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
18	“Жалоир” маҳалласи ички кўчаларини жорий таъмирлаш	кв.м.	105 200	14 728			14 728	Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
19	“Викор” маҳалласи ички кўчаларини жорий таъмирлаш	кв.м.	211 300	29 582			29 582	Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
20	“Чорбоғ” маҳалласи ички кўчаларини жорий таъмирлаш	кв.м.	16 300	2 282			2 282	Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
21	“Янги Чоштепа” маҳалласи ички кўчаларини жорий таъмирлаш	кв.м.	5 200	680			680	Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги
II. Электр энергия таъминоти объектларини янгилаш ва реконструкция қилиш									
33	Жами:	х	х	49 174,0	13 284,0	21 066,1	14 823,9	х	х
1	“Сергели-шаҳар” подстанциясидаги 1 та қуввати 16000 кВа бўлган трансформаторни 25000 кВа қувватли трансформаторга алмаштириш	дона	1	5 300,0	5 300,0			“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
2	“Йўлдош” подстанциясида 2 та қуввати 25000 кВа бўлган трансформаторларни 40000 кВа қувватли трансформаторларга алмаштириш	дона	2	12 000,0	6 000,0	6 000,0		“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
3	“Ал-Фаргоний” маҳалласида 2811-сонли трансформатордан чикувчи ҳаво тармоғини СИП кабелга алмаштириш	км	8,5	977,5	977,5			“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ

Т/р	Чора-тадбир номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Қиймати (млн сўм)	Амалга ошириш муддати			Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
					2021 йил	2022 йил	2023 йил		
4	“Олчазор” маҳалласида 3469-сонли трансформатордан чикувчи ҳаво тармоғини СИП кабелга ва темир бетон устунларга алмаштириш	км/дона	3,5/15	402,5	402,5			“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
5	“Викор” маҳалласидаги 2816 ва 2817-сонли трансформаторлардан чикувчи ҳаво тармоғини СИП кабелга алмаштириш	км	3,0	345,0		345,0		“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
6	“Чорбоғ” маҳалласидаги 2861 ва 2832-сонли трансформаторлардан чикувчи ҳаво тармоғини СИП кабелга алмаштириш	км	5,0	575,0			575,0	“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
7	“Йўлдош” маҳалласидаги 2804 ва 2841-сонли трансформаторлардан чикувчи ҳаво тармоғини СИП кабелга алмаштириш	км	4,0	460,0			460,0	“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
8	“Янгидархон” маҳалласидаги 379, 279, 545, 394 ва 477-сонли трансформаторларни модернизация қилиш	дона	5	450,0		450,0		“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
9	“Янгидархон” маҳалласидаги 279, 477, 394-сонли трансформаторлардан чикувчи ҳаво тармоғини СИП кабелга ва темир-бетон устунларга алмаштириш	км/дона	4,4/50	528,0		528,0		“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
10	“Навқирон” маҳалласидаги 2884 ва 2885-сонли трансформаторлар оралиғидаги юқори кучланишли кабель тармоғини янгилаш	км	0,5	156,0			156,0	“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
11	“Дарёбўйи” маҳалласидаги 2878 ва 3275-сонли трансформаторларни модернизация қилиш	дона	2	180,0			180,0	“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
12	“Дарёбўйи” маҳалласидаги 2878 ва 3275-сонли трансформаторлар оралиғидаги юқори кучланишли кабель тармоғини янгилаш	км	1,5	150,0			150,0	“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
13	“Янгиқипчоқ” маҳалласидаги 2834 ва 4818-сонли трансформаторлар оралиғидаги юқори кучланишли кабель тармоғини янгилаш	км	3,8	380,0			380,0	“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ

Т/р	Чора-тадбир номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Қиймати (млн сўм)	Амалга ошириш муддати			Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
					2021 йил	2022 йил	2023 йил		
14	“Жўнарик” маҳалласидаги 4632 ва 4633-сонли трансформаторлар-дан чиқувчи ҳаво тармоғини СИП кабелга ва темир-бетон устунларни алмаштириш	км/дона	1,1/20	126,5			126,5	“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
15	“Чоштепа” маҳалласидаги 747-сонли трансформатордан чиқувчи ҳаво тармоғини СИП кабелга алмаштириш	км	3,0	345,0			345,0	“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
16	“Ғалаба” тарқатувчи пунктдан 3585-сонли трансформаторгача бўлган “ф.Плутон-1,2” юқори кучланишли кабель тармоғини янгилаш	км	2,7	822,0	411,0	411,0		“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
17	“Сергели-5” тарқатувчи пунктдан 3737-сонли трансформаторгача бўлган “ф.Плутон-1,2” юқори кучланишли кабель тармоғини янгилаш	км	0,6	193,0	193,0			“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
18	“Сергели-шаҳар” подстанциясидан чиқувчи “ф.ЦРП-1,2 А,Б” юқори кучланишли кабель тармоғини янгилаш	км	21,7	6 504,0			6 504,0	“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
19	3876 ва 4025-сонли трансформаторлар оралиғидаги “ф.Ўзгариш-1,2” юқори кучланишли кабель тармоғини янгилаш	км	0,4	120,0			120,0	“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
20	“Пригородная” подстанцияси ва “КНС-3” оралиғидаги “ф.КНС-3,4” юқори кучланишли кабель тармоғини янгилаш	км	26,1	7 824,0			7 824,0	“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
21	2800 ва 2851-сонли трансформаторлар оралиғидаги “ф.Надежный-1,2” юқори кучланишли кабель тармоғини янгилаш	км	0,5	162,0			162,0	“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
22	3275 ва 2867-сонли трансформаторлар оралиғидаги “ф.Заречный-1,2” юқори кучланишли кабель тармоғини янгилаш	км	2,2	654,0			654,0	“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
23	“Сергели-шаҳар” подстанцияси ва “Сергели-5” тарқатувчи пункти оралиғидаги “ф.Сергели-5-1,2 А,Б” юқори кучланишли кабель тармоғини янгилаш	км	8,8	2 423,0			2 423,0	“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ

Т/р	Чора-тадбир номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Қиймати (млн сўм)	Амалга ошириш муддати			Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
					2021 йил	2022 йил	2023 йил		
24	2890 ва 3038-сонли трансформаторлар оралиғидаги “ф.Надежный-1,2” юқори кучланишли кабель тармоғини янгилаш	км	0,4	128,4			128,4	“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
25	“Янгидархон” маҳалласидаги 321, 154, 197, 1259, 793 ва 196-сонли трансформаторларни модернизация қилиш	дона	6	540,0			540,0	“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
26	“Янгидархон” маҳалласидаги 321, 154, 197, 1259, 196-сонли трансформаторлардан чикувчи ҳаво тармоғини СИП кабелга ва темир-бетон устунларга алмаштириш	км/дона	6,0/90	720,0			720,0	“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
27	“Чортоқ” маҳалласидаги электр симларни алмаштириш ва трансформатор мажмуаси ўрнатиш, кам қувватли трансформаторни алмаштириш ва симёғоч устунларни темир-бетон устунларга алмаштириш	км/дона	56/3/8/159	1 716,6		1 716,6		“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
28	“Гулзор” маҳалласидаги электр симларни алмаштириш ва трансформатор мажмуаси ўрнатиш, кам қувватли трансформаторни алмаштириш ва симёғоч устунларни темир-бетон устунларга алмаштириш	км/дона	28,5/1/6/135	1 121,5		1 121,5		“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
29	“Хўжа Учкун” маҳалласидаги электр симларни алмаштириш ва трансформатор мажмуаси ўрнатиш, кам қувватли трансформаторни алмаштириш ва симёғоч устунларни темир-бетон устунларга алмаштириш	км/дона	47/1/7/280	1 344,3		1 344,3		“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
30	“Жалоир” маҳалласидаги электр симларни алмаштириш ва кам қувватли трансформаторни модернизация қилиш ва симёғоч устунларни темир-бетон устунларга алмаштириш	км/дона	12/2/135	408,8		408,8		“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ

Т/р	Чора-тадбир номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Қиймати (млн сўм)	Амалга ошириш муддати			Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
					2021 йил	2022 йил	2023 йил		
31	“Тошкент” маҳалласидаги электр симларни алмаштириш ва трансформатор мажмуаси ўрнатиш, кам қувватли трансформаторни алмаштириш ва симёғоч устунларни темир-бетон устунларга алмаштириш	км/дона	36,4/2/5/153	1 237,9		1 237,9		“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
32	“Сурум” маҳалласидаги электр симларни алмаштириш ва трансформатор мажмуаси ўрнатиш, кам қувватли трансформаторни алмаштириш ва симёғоч устунларни темир-бетон устунларга алмаштириш	км/дона	7,53/1/4/40	499,3		499,3		“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
33	“Бинокор” маҳалласидаги электр симларни алмаштириш ва кам қувватли трансформаторни модернизация қилиш, симёғоч устунларни темир-бетон устунларга алмаштириш	км/дона	15/4/18,	379,7		379,7		“Худудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
III. Ичимлик сув ва оқава сув таъминоти тизимини яхшилаш									
39	Жами:		x	136 575,2	38 555,2	49 837,7	48 182,2	x	x
Ичимлик сув тармоқларини яхшилаш									
12	Мукамал таъмирлаш:	км	58,3	12 830,0	4 358,3	3 893,6	4 578,2	x	x
1	“Чоштепа” маҳалласида ичимлик суви тармоқларини мукамал таъмирлаш	км	1,4	159,6		159,6		Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги
2	“Софдил” маҳалласи, Ўзгариш кўчаси 1-уй қаршисида ичимлик суви тармоқларини мукамал таъмирлаш	км	0,4	206,9		206,9		Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги
3	“Софдил” маҳалласи Софдил кўчасидаги ичимлик суви тармоқларини мукамал таъмирлаш	км	0,9	226,2		226,2		Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги
4	“Ёрқинҳаёт” маҳалласидаги ичимлик суви тармоқларини мукамал таъмирлаш	км	0,65	274,7			274,7	Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Т/р	Чора-тадбир номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Қиймати (млн сўм)	Амалга ошириш муддати			Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
					2021 йил	2022 йил	2023 йил		
5	“Навқирон” маҳалласидаги ичимлик суви тармоқларини мукамал таъмирлаш	км	2,12	1 056,4			1 056,4	Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги
6	“Ал-Фарғоний” маҳалласи, Йўлдош 3, 4, 7, 10-мавзелар атрофидаги ичимлик суви тармоқларини мукамал таъмирлаш	км	0,9	405,1			405,1	Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги
7	“Виқор” маҳалласи, Йўлдош 2, Марказ-2, 6-мавзе атрофидаги ичимлик суви тармоқларини мукамал таъмирлаш	км	0,12	54,0			54,0	Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги
8	“Йўлдош” маҳалласи Мардлик 1-тор кўчасидаги ичимлик суви тармоқларини мукамал таъмирлаш	км	1,2	301,6	301,6			Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва унинг қўшимча манбалари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги
8	Лойиҳа ташаббускорлари томонидан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида спорт кўнгилочар ўйингоҳлари қуриш	дона	30	3 000,0	1 000,0	1 000,0	1 000,0	Ташаббускор тадбиркорлар маблағлари ҳисобидан	Янгиҳаёт тумани ҳокимлиги

Изоҳ. Объектнинг умумий қиймати ва ҳажмига лойиҳа-мета ҳужжатларининг экспертиза хулосасига асосан аниқлик киритилади.

**Тошкент шаҳри Янгиҳаёт туманида кўп квартиралли уйларнинг атрофларини ободонлаштириш бўйича амалга ошириладиган
ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

Т/р	Чора-тадбирлар амалга ошириладиган манзил	Лойиҳа қиймати (млн сўм)	Чора-тадбир номи				Молиялаштириш манбаси	
			Болалар майдончаси қуриш		Йўлақларни бетонлаш		Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети қўшимча манбалари (млн сўм)	Янгиҳаёт тумани маҳаллий бюджет қўшимча манбалари (млн сўм)
			миқдори (дона)	қиймати (млн сўм)	миқдори (қв. м.)	қиймати (млн сўм)		
14	Туман бўйича жами:	907,0	14	560,0	2 890,0	347,0	347,0	560,0
1	“Ал-Фарғоний” маҳалласи, Йўлдош-4 мавзеси, 53 ва 43-уйлар ўртасида болалар майдончаси қуриш ва йўлақларни бетонлаш	94,0	1	40,0	450,0	54,0	54,0	40,0
2	“Ёрқинҳаёт” маҳалласи, Йўлдош-16 мавзеси 9-11-16-уйлар ўртасида болалар майдончаси қуриш	40,0	1	40,0				40,0
3	“Ёрқинҳаёт” маҳалласи, Йўлдош-17 мавзеси 12а ва 12б-уйлар ўртасида болалар майдончаси қуриш	40,0	1	40,0				40,0
4	“Ёрқинҳаёт” маҳалласи, Йўлдош-17 мавзесида болалар майдончаси қуриш	40,0	1	40,0				40,0
5	“Навқирон” маҳалласи, Сергели-1 даҳаси 11, 17 ва 32-уйлар ўртасида болалар майдончаси қуриш	40,0	1	40,0				40,0
6	“Навқирон” маҳалласи, Сергели-1 даҳаси 24, 25 ва 26-уйлар ўртасида болалар майдончаси қуриш ва йўлақларни бетонлаш	141,0	1	40,0	840,0	101,0	101,0	40,0
7	“Навқирон” маҳалласи, Сергели-1 даҳаси 2, 5, 6, 19, 20, 29 ва 34-уйлар ўртасида болалар майдончаси қуриш	40,0	1	40,0				40,0
8	“Чорбоғ” маҳалласи, Йўлдош-5 мавзеси 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 10а ва 11а-уйлар ўртасида болалар майдончаси қуриш	40,0	1	40,0				40,0

Т/р	Чора-тадбирлар амалга ошириладиган манзил	Лойиҳа қиймати (млн сўм)	Чора-тадбир номи				Молиялаштириш манбаси	
			Болалар майдончаси қуриш		Йўлақларни бетонлаш		Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети қўшимча манбалари (млн сўм)	Янгиҳаёт тумани маҳаллий бюджети қўшимча манбалари (млн сўм)
			миқдори (дона)	қиймати (млн сўм)	миқдори (қв. м.)	қиймати (млн сўм)		
9	“Чорбоғ” маҳалласи, Йўлдош-5 мавзеси 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22 ва 23-уйлар ўртасида болалар майдончаси қуриш	40,0	1	40,0				40,0
10	“Дўстлик” маҳалласи, Дўстлик-2 мавзеси 6-уй ҳовлисида болалар майдончаси қуриш	40,0	1	40,0				40,0
11	“Ёркинҳаёт” маҳалласи, Йўлдош-17 мавзеси 5, 6, 7, 8 ва 11-уйлар ўртасида болалар майдончаси қуриш	40,0	1	40,0				40,0
12	“Дўстлик” маҳалласи, Дўстлик-2 мавзеси 30 ва 31-уйлар ўртасида болалар майдончаси қуриш ва йўлақларни бетонлаш	184,0	1	40,0	1 200,0	144,0	144,0	40,0
13	“Дўстлик” маҳалласи, Дўстлик-2 мавзеси 29-уй ҳовлисида болалар майдончаси қуриш	40,0	1	40,0				40,0
14	“Навқирон” маҳалласи, Сергели-1 даҳаси 15-уй ҳовлисида болалар майдончаси қуриш ва йўлақларни бетонлаш	88	1	40,0	400,0	48,0	48,0	40,0

Изоҳ. Лойиҳа қийматига лойиҳа-смета ҳужжатларининг экспертиза хулосасига асосан аниқлик киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “3” апрелдаги 177-сон қарорига
6-илова

Дастур параметрлари бажарилишини таъминлашда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тижорат банклари фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бўйича республика ишчи гуруҳи

1. А.Ж. Раматов – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, *Ишчи гуруҳ раҳбари*
2. Ж.А. Артикходжаев – Тошкент шаҳар ҳокими, *Ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари*
3. Б.Б. Валиев – Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари
4. Т.А. Ишметов – молия вазири
5. А.Б. Воитов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари
6. С.М. Холхўжаев – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари
7. А.И. Икромов – ички ишлар вазирининг ўринбосари
8. Ж.А. Ходжаев – қишлоқ хўжалиги вазири
9. А.М. Хаджибаев – соғлиқни сақлаш вазири
10. А.В. Шин – мактабгача таълим вазири
11. Ш.Ҳ. Шерматов – халқ таълими вазири
12. Б.И. Закиров – қурилиш вазири
13. Р.Т. Маматов – маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири
14. Н.Б. Хусанов – бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири
15. Ш.С. Хидоятлов – уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири
16. А.А. Абдувалиев – Автомобиль йўллари қўмитаси раиси
17. А.Ж. Ортиқов – Давлат активларини бошқариш агентлиги директори
18. А.А. Камалов – Марказий банк раисининг ўринбосари
19. С.И. Саифназаров – “Ўзсувтаъминот” АЖ раиси
20. У.М. Мустафоев – “Худудий электр тармоқлари” АЖ раиси
21. Б.Б. Эшмурадов – “Худудгазтаъминот” АЖ раиси
22. Х.И. Иногамов – Янгихаёт тумани ҳокими
23. Х.Х. Меликулов – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими, *Ишчи гуруҳ котиби*





ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING QARORI

2022 - yil 16 - fevral

129-14-0-Q/22

Toshkent shahar hokimligi

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2022 йил 17 январдаги VI-54-1-14-0-K/22-сонли қарори ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Сурхондарё вилояти ва Тошкент шаҳрида махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6109-сонли Фармони ва 2018 йил 2 августдаги “Республика ҳудудларида «Business city» замонавий ишбилармонлик марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3895-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 апрелдаги “2021-2023 йилларда Тошкент шаҳрининг Янгиҳаёт туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 177-сонли қарори, шунингдек, 2020 йил 18 ноябрдаги 01-05/1-2496-сонли, 2019 йил 13 февралдаги 01-05/121-1-сонли йиғилиш баёнлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2021 йил 19 январдаги “Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2021 йилдаги қўшимча манбаларини харажатларга йўналтириш ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги 255/30-6-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги 267/31-6-сонли, 2021 йил 4 июндаги “Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2021 йилдаги қўшимча манбаларини харажатларга йўналтириш ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2021 йил 15 апрелдаги 344/38-6-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 397/41-6-сонли, 2021 йил 12 июлдаги “Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2021 йилдаги қўшимча манбаларини

харажатларга йўналтириш ҳақида”ги VI-43-1-14-0-К/21-сонли, 2021 йил 2 августдаги “Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2021 йилдаги қўшимча манбаларини харажатларга йўналтириш ҳақида”ги VI-44-35-14-0-К/21-сонли, 2022 йил 17 январдаги “Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил давомида шаклланган қўшимча манбаларини харажатларга йўналтириш ҳақида”ги VI-54-1-14-0-К/22-сонли қарорлари ижросини таъминлаш, Тошкент шаҳар ҳокимлиги уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш масалалари бўйича мажмуасининг 2022 йил 27 январдаги 04-34-сонли, 04-35-сонли, 04-36-сонли, 04-37-сонли ва 28 январдаги 04-38-сонли мурожаатларини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Қуйидагилар:

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2021 йил 19 январдаги 267/31-6-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 августдаги “Республика ҳудудларида «Business city» замонавий ишбилармонлик марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3895-сонли қарорига асосан Тошкент шаҳар Олмазор туманида жойлашган “Олмазор сити”да ичимлик суви ва оқова суви тармоқларини қуриш харажатларига жами 4,6 млрд. (тўрт миллиард олти юз миллион) сўм ажратилганлиги;

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2021 йил 4 июндаги “Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2021 йилдаги қўшимча манбаларини харажатларга йўналтириш ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2021 йил 15 апрелдаги 344/38-6-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 397/41-6-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, ишчи гуруҳ раҳбари томонидан тасдиқланган 2020 йил 16 ноябрдаги Термиз эркин иқтисодий зонаси, Термиз халқаро савдо маркази эркин савдо зонаси ва Сергели индустриал парки кичик саноат зонаси фаолиятини ривожлантириш бўйича ишчи-гуруҳи йиғилишининг 1-

сонли баённомасида кўрсатиб ўтилган “Сергели индустриал парки” кичик саноат зонасини муҳандислик-коммуникация тармоқларини ўтказиш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мақсадида тахминий 1,0 млрд. (бир миллиард) сўм ажратилганлиги;

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2021 йил 2 августдаги “Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2021 йилдаги қўшимча манбаларини харажатларга йўналтириш ҳақида”ги VI-44-35-14-0-К/21-сонли қарори билан Тошкент шаҳар Бектемир туманида ичимлик ва оқава суви тармоқларини қуриш ҳамда таъмирлаш ишларига “Кўп хонадонли уйларни, мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси Тошкент шаҳар филиалига 2 999,7 млн. (икки миллиард тўққиз юз тўқсон тўққиз миллион етти юз минг) сўм ажратилганлиги;

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2021 йил 2 августдаги “Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2021 йилдаги қўшимча манбаларини харажатларга йўналтириш ҳақида”ги VI-43-1-14-0-К/21-сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 апрелдаги “2021-2023 йилларда Тошкент шаҳрининг Янгиҳаёт туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 177-сонли қарори 3-иловасига мувофиқ 2021-2023 йилларда Янгиҳаёт тумани ичимлик суви тизимини яхшилаш мақсадида 22 649,3 млн. (йигирма икки миллиард олти юз қирқ тўққиз миллион уч юз минг) сўм ажратилганлиги;

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2022 йил 17 январдаги “Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил давомида шаклланган қўшимча манбаларини харажатларга йўналтириш ҳақида”ги VI-54-1-14-0-К/22-сонли қарорининг биринчи иловасига мувофиқ Тошкент шаҳрида ичимлик суви ва канализация тизимини яхшилаш билан боғлиқ харажатларга 45,8 млрд. (қирқ беш миллиард саккиз юз миллион) сўм ва Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур, Юнусобод ҳамда Олмазор туманларида жойлашган кўп қаватли уй-жойларни фасад

қисмларини таъмирлаш ишлари билан боғлиқ харажатларга 4,0 млрд. (тўрт миллиард) сўм, шунингдек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан 2021 йил давомида маблағлар ажратиш юзасидан қабул қилинган қарорлари бўйича маблағ тақсимланмаган харажатларга 2022 йил давомида шаклланган қўшимча маблағлар ҳисобидан Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ маблағлар ажратилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент шаҳар Давлат молиявий назорати бошқармасининг 2021 йилдаги Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур, Юнусобод ва Олмазор туманларида жойлашган кўп қаватли уй-жойларни фасад қисмини таъмирлаш ҳамда бўяш ишлари учун ажратилган ва сарфланган маблағлар ўзлаштирилишини ўрганиш тўғрисидаги тегишли хулосалари маълумот учун қабул қилинсин.

3. Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил 1 январь ҳолатига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси Тошкент шаҳар ҳудудий филиалига жами 4 492,0 млн. (тўрт миллиард тўрт юз тўқсон икки миллион) сўм миқдоридан маблағлар иловага мувофиқ тақсимлансин.

4. “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси Тошкент шаҳар ҳудудий филиалига Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур, Юнусобод ва Олмазор туманларида жойлашган кўп қаватли уй-жойларни фасад қисмини таъмирлаш ҳамда бўяш ишлари учун Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 23 июндаги 507-ф-сонли қарорига асосан муниципал объектларни сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан 1 542,0 млн. (бир миллиард беш юз қирқ икки миллион) сўм маблағ ажратилсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Х.Шакиров):
ажратилган маблағлар ижроси бўйича халқ депутатлари Тошкент

шаҳар Кенгашига ҳисобот киритилсин.

6. Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси (Л.Исматуллаев):

2022 йил Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

7. “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси Тошкент шаҳар ҳудудий филиали (У.Уктамов):

ажратилган маблағларни ўрнатилган тартибда ва мақсадли сарфланиши таъминлансин.

8. Тошкент шаҳар бўйича Ғазначилик бошқармаси (М.Зарипов):

ажратилган маблағларни ўрнатилган тартибда молиялаштириш чоралари кўрилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент шаҳар Давлат молиявий назорати бошқармаси (Ш.Яриев):

ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назорат ўрнатилсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Шакиров зиммасига юклатилсин.

Toshkent shahar hokimi



ARTIKXODJAYEV J. A.

Тошкент шаҳар ҳокимининг
2022 йил 16 февралдаги
129-14-0-Q/22-сон қарорига
1-илова

**“Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда
иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг
компанияси” давлат унитар корхонаси Тошкент шаҳар ҳудудий
филиалига мақсадли ажратиладиган маблағлар тўғрисида**

млн.сўмда

№	Мақсади	Маблағ миқдори
1	Тошкент шаҳри Олмазор туманида жойлашган “Олмазор сити”да ичимлик суви ва оқова суви тармоқларини қуриш ҳамда таъмирлаш ишлари билан боғлиқ харажатларга	2 430,0
2	Тошкент шаҳар “Сергели индустриал парки” кичик саноат зонасини муҳандислик-коммуникация тармоқларини ўтказиш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишлари билан боғлиқ харажатларга	90,0
3	Тошкент шаҳар Бектемир туманида ичимлик ва оқова сув тармоқларини қуриш ҳамда таъмирлаш ишлари билан боғлиқ харажатларга	972,0
4	Тошкент шаҳар Янгиҳаёт туманида ичимлик ва оқова сув тармоқларини қуриш ҳамда таъмирлаш ишлари билан боғлиқ харажатларга	1 000,0
	ЖАМИ	4 492,0

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари,
Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош
бошқармаси бошлиғининг в.в.б,
танлов комиссияси раиси



Ш. Рахимджанов

2022 йил

**“Тошкент шаҳар Янгиҳаёт тумани “Хушнуд” маҳалласи ҳудудида ичимлик суви тармоғини
қуриш” объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга доир
(лот №74237) танлов комиссияси йиғилиши**

74237/1-сон муҳокама БАЁНИ

Тошкент ш.

6 май 2022 йил

“Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси”нинг 2022 йил 22 февралдаги В-13-сонли буйруғи билан тасдиқланган танлов комиссияси таркиби қуйидагича:

Комиссия раиси: Ш.Рахимджанов, “Тошкент шаҳар ҳокимлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси” бошлиғи в.в.б.;

Комиссия аъзолари: У.Уктамов, “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Тошкент шаҳар ҳудудий филиали директори;
К.Алимов, “Тошкент Шаҳар Сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси;

А.Исломхўжаев, “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Тошкент шаҳар ҳудудий филиали бош муҳандиси;

У.Ташпулатов, “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Тошкент шаҳар ҳудудий филиали бош мутахасиси;

Комиссия котиби: М.Мухамадалиев, “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Тошкент шаҳар ҳудудий филиали бўлим бошлиғи;

КУН ТАРТИБИ:

“Тошкент шаҳар Янгиҳаёт тумани “Хушнуд” маҳалласи ҳудудида ичимлик суви тармоғини қуриш” объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш” объекти бўйича 74237-сонли лот натижалари бўйича муҳокама натижаларини кўриб чиқиш ғолиб ташкилотни белгилаш.

Филиал директори У.Уктамов йиғилишни олиб борди ва очик деб эълон қилди.

Комиссия аъзолари сони сарҳисоб қилинди ва кворум 100% га таъминланганлиги маълум бўлди.

Комиссия аъзоси У.Уктамов 74237-сон лот баёнини ўқиб эшиттирди. (74237-сон баён илова қилинади).

Муҳокама мобайнида биринчи навбатда ишларнинг сифатли бажарилиши учун лойиҳачининг техник салоҳиятини эътиборга олиш ва иккинчи навбатда унинг молиявий томони эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек харид комиссияси аъзоларида мазкур лот(лар) иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқадорлар мавжуд эмасли хамда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг (ЎРҚ-684-сон, 22.04.2021й.)

23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси электрон дўкон, аукцион, энг яхши таклифларни танлаш ва тендер бўйича айна битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслиги белгиланган бўлиб мазкур лот(лар)да иштирок этмаяпти.

Маълумотлар stat.uz саҳифаси орқали текширилди.

Ушбу 74237-сонли лот бўйича тасдиқланган танлаш баённомаси юзасидан 2 кун мобайнида ҳеч қандай эътироз ёки норозиликлар юзага келмади.

Якуний натижаларга кўра қуйдагилар маълум бўлди

Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан 66 720 000 сўм, ишларни бажариш муддати 15 кун.

Танлаш комиссиясининг 19.04.2022 йилдаги 74237-сонли лот бўйича “Тошкент шаҳар Янгиҳаёт тумани “Хушнуд” маҳалласи ҳудудида ичимлик суви тармоғини қуриш” объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш” объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш талабгор “ATLANT ARCHITECTS GROUP” МЧЖ, ҚҚС билан 60 048 000 сўм ишларни бажариш муддати 15 кун билан танлаш ғолиби ва захира ғолиби “MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA” МЧЖ этиб белгиланди

Комиссия аъзоси У.Уктамов комиссия аъзолари муҳокамасидан сўнг, бюджет маблағларининг самарали фойдаланишни инобатга олиб, талабгор “ATLANT ARCHITECTS GROUP” МЧЖ ташкилотини ғолиб деб белгилаш бўйича таклифни овозга қўйди, таклиф бир овоздан маъқулланди.

ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. “Тошкент шаҳар Янгиҳаёт тумани “Хушнуд” маҳалласи ҳудудида ичимлик суви тармоғини қуриш” объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш” савдоларида ишни бажариш қиймати 60 48 000 сўм ҚҚС билан, ишни бажариш муддати 15 кунлик тижорат таклифи билан “ATLANT ARCHITECTS GROUP” МЧЖ ғолиб деб топилсин.


2. “ATLANT ARCHITECTS GROUP” МЧЖ билан ўрнатилган тартибда шартнома расмийлаштирилсин ва ишни бажариш бўйича керакли ҳужжатлар тақдим этилсин.

3. Талабгор “MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA” МЧЖ захира ғолиби деб белгилансин.

У.Уктамов



К.Алимов




А.Исломхўжаев



У.Ташпулатов



М.Мухамадалиев



ЛОЙИҲА-СМЕТА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИКИШ ТЎҒРИСИДАГИ 23-сонли ШАРТНОМА

“ 06 ” “ 05 ” 2022 йил

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Тошкент шаҳар ҳудудий филиали (кейинги ўринларда “**Буюртмачи**” деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи бошлик У.Уктамов бир томондан ва (<https://etender.uzex.uz> махсус порталининг 2022 йил 29 апрелдаги “Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 74237 на приобретение” баённомасига асосан) «**ATLANT ARCHITECTS GROUP**» МЧЖ (кейинги ўринларда “**Бош лойиҳачи**” деб юритилади) номидан Низом (Устав) асосида иш юритувчи жамият директори **Ю.Суванова** иккинчи томондан, Тошкент шаҳар Янгиҳаёт тумани “Тошкент” (Хушнуд) маҳалласи ҳудудида ичимлик суви тармоғини қуриш объекти (Лот рақами 74237) лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва Давлат экспертиза органларида лойиҳа-смета ҳужжатларини химоя қилиш, қурилишнинг бутун даври мобайнида муаллифлик назоратини амалга ошириш ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Шартнома предмети.

1. Бажарувчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Тошкент шаҳар Янгиҳаёт тумани “Тошкент” (Хушнуд) маҳалласи ҳудудида ичимлик суви тармоғини қуриш объектига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва Давлат экспертиза органларида лойиҳа-смета ҳужжатларини химоя қилиш, қурилишнинг бутун даври мобайнида муаллифлик назоратини амалга ошириш ишларини бажариш мажбуриятини олади, “**Буюртмачи**” эса “**Бажарувчи**” га ишларини бажариш учун зарур нуқсон далолатномасини тақдим этади, ишларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2.1. Мазкур шартнома бўйича “**Бажарувчи**” томонидан бажарилган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 15 % Кўшилган қиймат солиғи билан 60 048 000 (олтмиш миллион қирк саккиз минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

Иш ҳажми қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

2.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3. Бажарувчи ва Буюртмачининг мажбуриятлари.

3.1. Агар ишнинг бажарилиши давомида салбий натижага эришилиши аниқланган тақдирда барча ишларни тўхтатиб, ҳолат тўғрисида уч кунлик муддат ичида “**Буюртмачи**”ни хабардор қилиш;

3.2. “**Буюртмачи**”дан махфий маълумотлар олган тақдирда “**Бажарувчи**” томонидан ушбу маълумотларни маълум қилмаслик ва “**Буюртмачи**”нинг руҳсатисиз учинчи шахсларга бермаслик;

3.3. “**Буюртмачи**” ишлар бажарилиши устидан доимий назорат ва мазкур шартномада қайд этилган “**Бажарувчи**” томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа

функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, **“Бажарувчи”**дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

3.4. **“Бажарувчи”** лойиҳа-смета ҳужжатларини, **“Буюртмачи”** томонидан тақдим этилган бирламчи ҳужжатлар доирасида ишлаб чиқиши ва смета ҳужжатларидаги иш турларининг иш ҳажмлари, лойиҳа ҳужжатларидаги иш турларига мос келишига қатъий риоя қилиши ва қўрилишнинг бирор бир босқичида **“Бажарувчи”**нинг хатолиги сабабли лойиҳа-смета ҳужжатларида хато ва камчиликлар аниқланган тақдирда **“Бажарувчи”**нинг ўз маблағлари ҳисобидан бартараф этиш мажбуриятини олади.

3.5. **“Бажарувчи”** ишни сифатли бажариши, ҳужжатларни барча илмий техникавий ва иқтисодий талабларга ва меъёрларга, Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган барча қонунларга риоя этилган ҳолда бажаришга;

3.6. **“Бажарувчи”** томонидан **“Буюртмачи”**нинг барча кўрсатмаларини бажариш ва бажарилаётган ишлар тўғрисида талаб қилинган вақтда ахборот бериб туриш;

3.5. **“Бажарувчи”** томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертиза органларида химоя қилада ва **“Буюртмачи”**га якуний ижобий экспертиза ҳулосасини тақдим этади.

3.6. Шартнома талабларига кўра аванс (бўнак пули) бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш.

4. Ишларни бажариш муддати.

4.1. **“Бажарувчи”** мазкур шартномага мувофиқ биринчи аванс (бўнак пули) тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

4.2. Танлов натижаси бўйича аниқланган ишнинг давом этиш вақти, бўнак (аванс) маблағлари тўлаб берилган кундан эътиборан **15 кун** ташкил этади

Шартноманинг амал қилиш муддати 31 декабр 2022 йил.

5. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

5.1. **“Буюртмачи”** **“Бажарувчи”**га шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % миқдорида, аванс ўтказди;

5.2. Бажарилган ишлар учун шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми **“Буюртмачи”** ва **“Бажарувчи”** ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб ишлар тугаллангандан кейин ва ишлар белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин тўлиқ ҳажмда амалга оширилади;

5.3. **“Буюртмачи”** мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, **“Бажарувчи”** бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда **“Буюртмачи”**ни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир.

6. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари.

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтда чўзилса, у ҳолда **“Бажарувчи”** ва **“Буюртмачи”** ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

7. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги.

7.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

7.2. Молиялаштиришнинг кечикиши “Маҳаллий бюджет ҳамда вазирлик жамғармаси”нинг айби билан содир этилса, молиялаштириш бўйича “Буюртмачи” “Бажарувчи”нинг олдида жавобгар бўлмайди.

7.3. “Бажарувчи” объектни ўз вақтида йшга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 % фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 % фоизидан ошмаслиги лозим.

“Буюртмачи” томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун “Бажарувчи” буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 % фоиз миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 % фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш “Бажарувчи”ни ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

7.4. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

7.5. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

8. Низоларни ҳал этиш тартиби

8. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

9. Алоҳида шартлар

9.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

9.2. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. “Буюртмачи” билан “Бажарувчи” ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

9.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

9.5. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали

3-илова - Лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисоби.

9.6. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

10. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

Буюртмачи:

“Қўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Тошкент шаҳар ҳудудий филиали

Тошкент ш., Шевченко кўчаси, 26 уй

ш/х.р.: 301121860262737063201110003

Ўз.Рес.Молия Вазирлиги Ғазначилиги

Х/Р: 2340 2000 3001 0000 1010

МБ ХККМ Тошкент ш бош бошқармаси

СТИР (ИНН): 201 122 919 МФО: 00014

ОКЭД: 41202 СТИР 307 930 998

Бошлик

У.Уктамов

Юрисконсулт

Т.Тўхтасинов



Бажарувчи:

«ATLANT ARCHITECTS GROUP»
МЧЖ

Манзил: Жиззах ш. М.Улугбек маҳалласи
9 уй 4/5

Банк: АТ “Алоқабанк” Жиззах филиали

Х/Р: 2020 8000 5006 6156 1001

МФО: 00401

ИНН: 304288628

ОКЭД: 66000

КОД НДС: 308 120 018 564

Тел: (93)-308-73-37;
(91)-598-23-32.

Директор

Ю.Суванова



Объектни номланиши Тошкент шаҳар Янгиҳаёт тумани “Тошкент” (Хушнуд) маҳалласи ҳудудида ичимлик суви тармоғини қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун

КАЛЕНДАР ИШ ЖАДВАЛИ

№ т/р	Ишнинг номланиши	Ишнинг муддати (бошланиши ва якулланиши)	Ишнинг нарх қиймати сўм
1.	2	3	4
1.	<u>Тошкент шаҳар Янгиҳаёт тумани “Тошкент” (Хушнуд) маҳалласи ҳудудида ичимлик суви тармоғини қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш</u>	Бошланиши : Буюртмачи томонидан бошланғич тўлов ва дастлабки маълумотлар тақдим этилгандан сўнг. Яқунланиши: 15 кун	60 048 000 (олтмиш миллион қирк саккиз минг)

Жами: 15% ҚҚС билан 60 048 000 (олтмиш миллион қирк саккиз минг) сўм.

Бажарувчи
«ATLANT ARCHITECTS GROUP»
МЧЖ

Буюртмачи
“Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК
Тошкент шаҳар ҳудудий филиали

Директор



Ю.Суванова

Бошлиқ



У.Уктамов

“06” “05” 2022 йилдаги
23 -сонли шартномага 3-сонли илова

Объектни номланиши Тошкент шаҳар Янгихаёт тумани “Тошкент” (Хушнуд) маҳалласи
худудида ичимлик суви тармоғини қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета хужжатларини
ишлаб чиқиш объекти
Лойиҳа тадқиқот ишлари учун
СМЕТА ҲИСОБИ

Бино номи, тузилиши ёки иш турлари	Қўлланиладиган ставкани асослаш ва стандарт бўйича харажатларни ҳисоблаш	Ушбу битим бўйича харажатларни ҳисоблаш минг сўмда
<u>Тошкент шаҳар Янгихаёт тумани “Тошкент” (Хушнуд) маҳалласи худудида ичимлик суви тармоғини қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш</u> объектини жорий нархлар бўйича тахминий нарх ҚҚС сиз: 2 417 000 000 сўм	Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлигининг 09.09.2019 йилдаги № 3180 сонли “Лойиҳалаш ва қидирув ишларининг нархини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида” буйруғи. 3 илова 3 ва 4 банди. Объектнинг мураккаблиги тоифаси II.	Ушбу лойиҳа учун биз қабул қиламиз:
Лойиҳа-смета ишларининг киймати	Илова. №3 3.4 банди $K = 3.4\%$	$2\,417\,000.0 \times 0,03 = 96\,680.0$
Жами	Нархнинг якуний коэффициенти $K \approx 0,5401$	52216.0
ҚҚС	15%	7832.38
Жами ҚҚС билан		60 048 000

Жами: 15% ҚҚС билан 60 048 000 (олтмиш миллион қирқ саккиз минг) сўм.

Директор

Лойиҳанинг бош муҳандиси



Ю.Суванова

Х.Мирзаев